

# **Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА**

## **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

### **1. Лойихани тақдим этувчи орган номи:**

“Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти

### **2. Лойиханинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойихаси

### **3. Лойихани ишлаб чиқиши учун асос:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги “Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш

### **4. Лойиханинг қисқача мазмуни:**

Лойиҳа қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, уни замонавий механизация ускуналари билан ўз вақтида таъминлаш учун қўшимча шароитлар яратишни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутади.

Лойиҳани ишлаб чиқишдан кўзланган мақсад - республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини, жумладан пахта териш машиналарини қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан кредит ва лизинг шартларида харид қилинишини давлат кафолати остида жалб қилинган халқаро молия институтлари имтиёзли кредитлари орқали молиялаштиришни таъминлаш.

## **II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

### **5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари ва уларнинг ташкилотлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектлари;**

**давлат органлари гурухи – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги ва бошқалар;**

**бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари** – Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши.

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

6.1. Қарор лойиҳасининг 3-бандида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни 2025 йилга қадар замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш кўзда тутилган.

6.2. Қарор лойиҳасининг **6-банди иккинчи хатбошисида** тижорат банкларига мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан **Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари** ҳаридини молиялаштириш учун лизинг ташкилотлари, фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари ва уларнинг ташкилотлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларига йиллик 3 фоиз банк маржасини инобатга олган ҳолда кредит ажратиш тавсия этилсин.

6.3. Қарор лойиҳасининг **7-бандида** 2020 йил июл ойидан бошлаб, молиялаштириш манбааси ва фоиз ставкасидан қатъий назар, фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари ва уларнинг ташкилотлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан **маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан** **Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари ва ғалла ўриш комбайнлари** тижорат кредит ёки лизинг шартларида ҳарид қилинганда, уларнинг фоиз харажатларини 10 фоиз пункти микдорида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси томонидан қоплаб беришга субсидия ажратиш тартибини ўрнатиш белгиланмоқда.

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасига кўра, Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **шартномалар тузишда устунлик бериш**, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, **айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.**

Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг **товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи** ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига, шу жумладан:

нархларни ёки тарифларни оширишга, пасайтиришга, сақлаб туришга; тегишли бозорни худудий принцип бўйича, **реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича**, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;

**хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга** ёки уларни бозордан четлостишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмайди.

Шунга кўра:

а) лойиҳанинг 3-бандида кўзда тутилган Дастур номини "2025 йилга қадар янги замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш Дастури" номига алмаштириш ёки Дастур ишлаб чиқиш талабини лойиҳадан **чиқариб ташлаш лозим**. Чунки лойиҳада кўзда тутилган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни 2025 йилга қадар замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича давлат Дастури" кўринишида номланган Дастур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга кейинчалик техникаларни рақобатни чеклаган ҳолда мажбурий тиқиширишга олиб келиши мумкин;

б) қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилар учун тенг рақобат шароитини яратиш ва тадбиркорлик субъектлари томонидан сифатли қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олишга рағбатлантириш мақсадида қарор лойиҳасининг 6 ва 7-бандида кўзда тутилган талабларни ишлаб чиқарилган жойидан қатъий назар барча харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникалари учун тадбиқ этиш **таклиф этилади**.

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги Қонуни талабларига мослаштирган ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этган ҳолда қабул қилиниши лозим.